

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2019 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-ИЮНЬ**

СЎЗ БОШИ

Тошкент шаҳрининг статистик ахборотномаси – Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2019 йил январь-июнь ойлари яқунлари бўйича Тошкент шаҳрининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (2 таҳрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар таъсири чиқариб ташланган).

Нашр 11 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, ташқи иқтисодий алоқа, саноат, инвестиция ва қурилиш, транспорт, товар ва хизматлар бозори, демография ва меҳнат бозорларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи худудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	марта
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1), 2), 3).....	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	10
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	11-14
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш	11
ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари	12
Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби	13
Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби	14
II. САНОАТ	15-29
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш таркиби	15-17
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми	18-23
Ҳудудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми	23
Ҳудудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши	24
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	24
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати	25
Ҳудудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши	25
Ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари	26
Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси	27
Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши	27
Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши	28
Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари	29
III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	30-42
Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари	30
Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши	31
Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши	31
Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари	32
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари	33
Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби	34
Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби	35

Номи	бет.
Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби	36
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар	37-38
Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби	38
Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар	38
Ҳудудларда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар	39
Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби	40
Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши	41
Қурилиш ишлари	41
Туманлар кесимида қурилиш ишлари ўсиш суръати	41
Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти	42
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бажарилган қурилиш ишлари	42
IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)	43-49
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши	43
Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши	44
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати	44
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати	45
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да қурилиш соҳаси улуши	45
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да инвестиция соҳаси улуши	46
Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати	47
Кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар ва асосий тармоқлар бўйича улуши	48
Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни тармоқлар кесимида баҳолаш	49
Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истикболини баҳоланиши	49
V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	50-57
Иқтисодий фаолият турлари бўйича йирик тижорат ташкилотларининг якуний молиявий натижалари	50-51
Йирик тижорат ташкилотларининг ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари	51
Зарар кўрган йирик корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари	52

Номи	бет.
Иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар қўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари	53-54
Худудлар кесимида зарар қўрган йирик тижорат корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари	55
Йирик тижорат корхоналарида иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби	56
Йирик тижорат корхоналарида иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби	57
VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ	58-69
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши	58
Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби	59
Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши	60
Рўйхатга олинган юридик шахсларни мулкчилик шакллари бўйича худудларга тақсимланиши	61
Корхона ва ташкилотлар сони	62
Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони	63
Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши	64
Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони	65
Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби	66
Кичик корхона ва микрофирмалар сони	67
Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши	68
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони	69
VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ	70-76
Чакана савдо товар айланмаси таркиби	70
Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши	71
Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги ўсиш суръати	72

Номи	бет.
Ҳудудларнинг умумий овқатланишдаги улуши	73
Чакана савдо товар айланмаси	74
Ҳудудларнинг улгуржи савдо товар айланмаси улуши	75
Улгуржи савдо товар айланмаси	76
VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	77-84
Ташқи савдо айланмаси	77
МДҲ ва бошқа давлатларнинг Тошкент шаҳар ташқи савдо айланмасидаги улуши	78
Ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар	79
Ташқи савдо айланмасида нисбатан катта улушга эга бўлган давлатлар ҳажми	80
Экспорт ва импорт таркиби	81
Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби	82
Товар ва хизматларнинг импорт таркиби	82
Ҳудудлар кесимида товар ва хизматларнинг экспорт таркиби фоизда	83
Ҳудудлар кесимида товар ва хизматларнинг импорт таркиби фоизда	84
IX. ТРАНСПОРТ	85-86
Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси ҳажми	85
Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси	86
X. ХИЗМАТЛАР	87-106
Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши	87
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларининг ҳажми	88
Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби	89
Савдо хизматларнинг ҳажми	90-92
Транспорт хизматларининг таркиби	93-95
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	96
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари таркиби	97-100
Молиявий хизматларнинг ўсиш суръатлари	100
Молиявий хизматларнинг таркиби	101-102
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	103
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби	103

Номи	бет.
Худудлар кесимида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматларнинг ҳажми	104
Хизматларнинг умумий ҳажмида туманларнинг улуши	105
Туманлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари	106
XI. ДЕМОГРАФИЯ ВА БАНДЛИК	107-118
Туманлар бўйича доимий аҳоли сони	107
Туманлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши	108
Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари ва коэффициентлари	109
Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари	109
Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши	110
Никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралишлар коэффициентлари	111
Никоҳ ва ажримлар сони	112
Худудлар кесимида никоҳлар сони бўйича тақсимланиши	113
Худудлар кесимида никоҳдан ажралишлар сони бўйича тақсимланиши	113
Аҳоли миграцияси	114
Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатлари тўғрисида маълумот	115
Маъмурий-ҳудудий бўлинмалар	116
Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақи	117-118

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2019 йил январь-июнь ойлари**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2018 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	31935,3	107,2
Саноат маҳсулоти	24434,3	103,1
Истеъмол товарлари	10772,7	107,3
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	18082,4	137,1
Қурилиш ишлари	7494,4	129,7
Юк айланмаси (млн. тн-км)	1 088,3	140,9
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	5 666,8	102,7
Чакана товар айланмаси	17684,4	107,5
Хизматлар, жами	27 846,1	115,3
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл.)	6176,6	129,2
Экспорт	1416,5	101,1
Импорт	4760,1	140,9
Сальдо (+;-)	-3343,6	x

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-июнида Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 31935,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 107,2 фоизга тенг бўлди.

Январь-июнь ойлари учун иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ишлаб чиқариш


	млрд.сўм		2018 йил январь-июнига нисбатан фоиз ҳисобида
	2018 йил	2019 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	24864,3	31935,3	107,2
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	22384,0	27674,1	107,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	2480,3	4261,2	107,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	22384,0	27674,1	107,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	9816,2	12557,7	109,3
Саноат	7509,0	9243,8	103,1
Қурилиш	2307,2	3313,9	129,7
Хизматлар	12567,8	15116,4	105,6
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4075,4	4743,8	103,6
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	3436,3	3769,4	107,0
Бошқа хизматлар	5056,2	6603,2	106,2

Тошкент шаҳри иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат ишлаб чиқариш индекси – 103,1 % ни ташкил этиб (ЯХМ таркибидаги улуши 33,4 %), қурилиш – 129,7 % (12,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,6 % (17,1 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 107,0 % (13,6 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,2 % (23,9 %) ни ташкил этди.

ЯХМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари, фоизда
(2019 йил январь-июнь ойларида)




Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
январь-июнь ойларига
(жамига нисбатан фоизда)




2019 йил январь-июнь ойлари давомида Тошкент шаҳри бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши 17,1 % ни (2018 йил январь-июнда 18,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 13,6 % ни (2018 йил январь-июнда 15,4 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар соҳасида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги 23,9 % ни (2018 йил январь-июнда 22,6 %) ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби,
январь-июнь ойларида**
(жамига нисбатан фоизда)

2018 йил



2019 йил



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Тошкент шаҳри иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 86,7 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 13,3 % ини ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 45,4 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркибидаги улуши эса 54,6 % ни ташкил этди.


II. САНОАТ

Дастлабки маълумотларга асосан жорий йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 24434,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 103,1 % ни ташкил этди.

Ҳисобот йилида 10772,7 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2018 йил январь-июнига нисбатан ўсиш 107,3 фоизни ташкил этди. Жумладан, 3299,4 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 7091,6 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2018 йил январь-июнга нисбатан мос равишда 108,2 фоиз ва 106,6 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг 3,6 % га, тоғ-кон ва очиқ конларни ишлаш саноати 2,4 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 6,2 % га ўсиши ҳисобланди. Шунингдек, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 5,7 % га камайганлигини кўришимиз мумкин.

Январь-июнь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариш таркиби, (млрд. сўмда)



Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати


Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 20982,4 млрд. сўмни ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш индекси 103,6 % ташкил этди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарадиган саноатда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш 44,9 % га, бошқа турдаги транспорт асбоб-усканаларини ишлаб чиқариш 6,8 % га камайган бўлса, автотранспорт воситалари, трейлер ва ярим тиркамалар ишлаб чиқариш 26,9 % га, мебел ишлаб чиқариш 9,7 % га, ичимлик ишлаб чиқариш 17,9 % га ошганлигини кузатиш мумкин.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоғининг улуши 4,6 % ни, ўрта-юқори технологияли 25,2 %, ўрта-қуйи технологияли 34,3 %, қуйи технологияли 35,9 % ни ташкил этди.

Январь-июнь ойларида ишлаб чиқаришнинг технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, фоизда



Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Иқтисодий тармоқлар кесимида ўрганилганда, жорий йилнинг январь-июнь ойида Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 1496,4 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш индекси 102,4% ни ташкил қилди.

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича табиий газ ва хом нефт қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига 6,3% га ошган, бошқа тоғ-кон саноати фаолияти эса -5,4 % га камайганини кузатиш мумкин.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1469,3 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажмининг 6,0 % ни) ташкил этди.

2019 йилнинг январь-июнь ойида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари маҳсулотлари ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 5,7 % га камайган.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 486,1 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ҳажмининг 2,0 % ни) ташкил этганлиги кузатилди. Бунда 2019 йил январь-июнь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,2 % га кўпайган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини
ишлаб чиқариш ҳажми**
(2019 йил январь-июнь ойларида)


	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	24434,3	103,1
Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	1496,5	102,4
<i>улардан:</i>		
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	1415,6	106,3
Қайта ишлаш саноати	20982,4	103,6
<i>шундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	2236,3	108,3
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1257,2	107,7
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	420,7	98,0
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс этириш	601,9	100,7
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	93,3	55,1
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	721,8	103,5
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	553,6	89,9
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1184,0	103,6
Металлургия саноати	2154,8	97,3

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	158,5	126,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	1469,3	94,3
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	486,2	106,2
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	10772,7	107,3
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	3299,4	108,2
ноозик-овқат товарлари	7091,6	106,6

Давлат ва хусусий бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги доимо ҳар бир замонавий демократик давлатнинг диққат эътиборида бўлган. Кейинги йилларда бутун дунёда ҳукумат ва бизнес ҳамкорлигининг кучайиши тенденцияси кузатилмоқда.

Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарор вазиятни таъминлашда хусусий бизнеснинг манфаатдорлигини оширишда катта хизмат қилади. Ўз навбатида, мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторнинг улуши салмоқли эканлигини кўриш мумкин. Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-июнида 24434,3 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариш индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,1 % ни ташкил этди, шунинг билан бирга давлат секторида 4666,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб умумий ҳажмга нисбатан 19,1 % ташкил этди, нодавлат секторида 19767,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, умумий ҳажмга нисбатан 80,9 % ташкил этди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат ва нодавлат секторларида фоиз ҳисобида



Саноат соҳасида модернизациялаш кўламларини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, саноат соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши давом эттирилди.

Тармоқ корхоналари томонидан жорий йилнинг январь-июнида 2434,3 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,1 % ни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши қуйидагича тавсифланади.



Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб, жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш маҳсулотлари фаолияти саноат ишлаб чиқариш индекси 102,4 % ни, қайта ишлаш саноати 103,6 % ни, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво 94,3 % ни, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш билан бўйича хизматлар 106,2 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

2018 йил январь-июнь

2019 йил январь-июнь



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш ҳажми (йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-июнь	2018 й январь-июнига нисбатан % да
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш			
Чақиқ тош (шебень)	<i>Tн</i>	128537,0	78,4
Қайта ишлаш саноати			
Пўлатдан чоксиз нефт ва газ кувурлари	<i>Tн</i>	21472,0	114,8
Кучланиши 1 кВ дан ортиқ бўлган (юқори вольтли), бошқа электр токи ўтказгичлари	<i>Tн</i>	1193,0	134,0
Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	<i>Tн</i>	80836,5	134,2

	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-июнь	2018 й январь-июнига нисбатан % да
Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти	минг.л	7173,0	102,7
Арок	минг.л спирт	7637,0	101,1
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	минг. л спирт	232,5	145
Пиво (пиво ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ташқари)	минг. л	25689,5	123,2
Коньяк спирти	минг. л	388,6	83,5
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	минг.тн	89538,0	88,7
Шиша	минг.дона	121399,2	84,7
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	Тн	1745,0	43,1
Чакана савдо учун қадокланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	Тн	5226,0	82,5
Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	Тн	8307,0	128,4
Мис сим	Тн	7015,0	53,3
Китоблар, география хариталар, гидрографик ёки шу каби карталарнинг барча турлари, репродукциялар, чизмалар ва фотосуратлар, открыткалари босиб чиқариш бўйича хизматлар	минг. сўм	131696781,5	114,9


	Ўлчов бирлиги	2019 йил январь-июнь	2018 й январь-июнига нисбатан % да
Газеталарни босиб чиқариш бўйича хизматлар	минг. сўм	14561859,0	72,6
Сеялка	дона	217,0	28,0
Бошқа гуруҳларга киритилмаган сувсиз муҳитдаги бошқа синтетик полимерлар асосидаги бўёқлар ва лаклар	Тн	4871,0	115,2
Гормон ёки антибиотикларсиз дори - дармонлар	Тн	7368,9	109,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	6919,1	109,8

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми

Тошкент шаҳрида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Миробод тумани (Тошкент шаҳри саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 14,3 % улушини), Яшнобод тумани (12,5 %), Мирзо Улуғбек тумани (10,4 %), Бектемир тумани (10,0 %), Сергели тумани (9,4 %), Олмазор тумани (9,4 %) ҳиссасига тўғри келади.

Шунинг билан бирга энг кам улуш Чилонзор (6,2 %), Яккасарой (5,5 %), Учтепа (5,4 %), туманларига тўғри келади.

Худудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, фоизда (январь-июнь)




Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳри ва туманларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмини туманлараро ҳамда туманларни шаҳар кўрсаткичлари билан таққослаш орқали таҳлил қилиш, саноат маҳсулотини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш, худудлардаги устувор вазифаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида жорий йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши 24434,3 млрд. сўмни ташкил этиб, Тошкент шаҳрида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми аҳоли жон бошига 9680,0 минг. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,1 % га етказилганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек Тошкент шаҳрида истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши 10772,7 млрд. сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 107,3 % га етди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилнинг январь-июнь ойларига нисбатан (7,3 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 44,1 % ни ташкил этди.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол
товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, фоизда**
(январь-июнь)




Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 3299,4 млрд.сўмга етказилиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 30,6 %, ноозиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 7091,6 млрд. сўм, жами истеъмол товарларидаги улуши 65,9 %, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш 381,7 млрд.сўм ҳисобланиб, жами истеъмол товарларидаги улуши 3,5 % ни ташкил этди.


**Худудларнинг жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш
ҳажмидаги улуши, фоизда**



Худудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси, фоизда
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан)



Худудларда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиш суръатлари, фоизда
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан)



Бунда Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда энг катта ўсиш суръатлари Миробод тумани (118,7 %), Бектемир тумани (108,9 %) ва Чилонзор туманларида (107,0 %) кузатилмоқда.

Шу ўринда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда энг катта ўсиш суръатлари Бектемир тумани (117,7 %), Чилонзор тумани (110,4%) ва Юнусобод туманларида (107,2%) кузатилган.


Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш таъминланди ва натижада улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг индекси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,2% га ошиши таъминланди. Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йилнинг январь-июнь ойида Тошкент шаҳрида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 66,0 % ни ташкил этган.

Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда (январь-июнь)

Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Олмазор тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 88,6 %), Учтепа (88,3 %), ва Юнусобод (87,5 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичик улуши Яшнобод (67,4 %), Мирзо Улуғбек (42,2 %) ва Миробод (26,7 %), туманларида кузатилди.

2019 йил январь-июнь ойларида туманлар кесимида кичик бизнеснинг жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда




Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 11,6 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 113,0 % ни ташкил этди.

Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 45,3 % ни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 47,5 % ни ташкил қилди.

Қўшма корхоналар томонидан жорий йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг республика саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 7,8 % ни ташкил этди, бу иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини берди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоизда.




Қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш корхоналарининг улуши 5,8 %, ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари улуши 41,6 % ни ташкил этди.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 14 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 1990 та корхона (жами фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 14,2 %) Олмазор туманига, 1796 корхона (12,8 %) Чилонзор туманига, 1782 корхона (12,7 %) Учтепа туманлари ҳиссасига тўғри келади.


Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик

(2019 йил 1 июль ҳолатига)



Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик

(2019 йил январдан)




Жорий йилнинг январь-июнь ойларида Тошкент шаҳрида 1768 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 47,0 % Юнусобод, Чилонзор, Учтепа, Олмазор туманлари ҳиссасига тўғри келади.

III. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

Жорий йилнинг январь–июнь ойларида Тошкент шаҳрида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 18 082,4 млрд. сўм асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 137,1 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суратлари, фоизда
(январь-июнь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми бўйича туманлар кесимида Сергели тумани етакчилик қилмоқда. Ушбу ҳудудда жами асосий капиталга инвестицияларнинг 25,2 % ўзлаштирилди.

Шунингдек, Миробод тумани жами инвестициялар ҳажмидан 13,3 % ни, Юнусобод тумани 11,8 % ни ташкил этмоқда.

Чилонзор ва Мирзо Улуғбек туманларида ушбу кўрсаткич мос равишда 9,8 % ва 9,4 % ни ташкил этди.


Учтепа ҳамда Бектемир туманларида инвестициялар энг кам ўзлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг Тошкент шаҳридаги улуши 2,5 % ва 2,3 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш
манбалари бўйича тақсимланиши**
(январь-июнь)


	Млрд.сўм	Ўсиш суръати, % да	Жамига нисбатан улуши, % да
Асосий капиталга инвестициялар	18082,4	137,1	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	2659,7	145,8	14,7
бюджет маблағлари	1361,2	257,0	7,5
Давлат мақсадли жамғармалари	28,8	-	0,2
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	716,2	55,6	4,0
Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар	553,5	124,8	3,0
Марказлашмаган инвестициялар:	15422,7	137,6	85,3
корхона маблағи	6282,5	116,4	34,8
аҳоли маблағи	906,8	111,8	5,0
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	3096,3	168,3	17,1
тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	5137,1	162,2	28,4

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга
инвестициялар ҳажмидаги улуши, фоизда**

2018 йил январь-июнь




2019 йил январь-июнь




Марказлашган молиялаштириш манбалар ҳисобидан 2659,7 млрд.сўм ёки 145,8 % (жами инвестициялар ҳажмининг 14,7 % га) кўп ўзлаштирилди, мос равишда, марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15422,7 млрд.сўм ёки 137,6 % (жами инвестициялардаги улуши 85,3%).

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари




Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 716,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари



Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари асосан корхона маблағлари (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 40,7 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (33,3 %) ҳисобига тўғри келди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби жамига нисбатан, фоизда (январъ-июнь)




Асосий капиталга инвестицияларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркибида қайта ишлаш саноати етакчилик қилмоқда. Ушбу тармоқда жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4 158,3 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 23,0 % ўзлаштирилган.

Кейинги ўринда ташиш ва сақлаш тармоғи бўлиб жами молиялаштириш манбаи ҳисобидан 3 900,4 млрд.сўм ёки жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 21,6 % ўзлаштирилган.

Саноат тармоғи таркибида энг кўп инвестиция ўзлаштирилган 3 фаолият тури қуйидагилар:

- Озиқ-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш 904,1 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 5,0 %);
- Тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечак ишлаб чиқариш 452,6 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 2,5 %).
- Резина ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқариш 278,5 млрд.сўм (жами асосий капиталга инвестициялардаги улуши 1,5 %);

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг технологик таркиби




Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Тошкент шаҳри бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 36,8% ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 57,0 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши 6,2 % ни ташкил этди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари
бўйича технологик таркиби**
(январь-июнь)


	<i>Жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
Жами, млрд. сўм	18 082,4	3 867,3	14 215,1
<i>шу жумладан жамига нисбатан % да:</i>			
Қурилиш – монтаж ишлари	36,8	28,9	38,9
Машина, ускуна, инвентар	57,0	70,0	53,5
Бошқа харажатлар			

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби *фоизда*
(январь-июнь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: Қурилиш – монтаж ишлари бўйича Чилонзор туманида 51,9 % ни, Юнусобод туманида 47,7 % ни, Яшнобод туманида 44,7 % ни ҳамда Сергели туманида 39,4 % ни ташкил этди. Машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар бўйича Яккасарой туманида 79,3 % ни, Бектемир туманида 74,0 % ни, Олмазор туманида 67,6 % ни ҳамда Мирзо Улуғбек туманида 62,0 % ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби *фоизда*
(январь-июнь)



Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида: Янги қурилиш бўйича Чилонзор туманида 58,8 % ни, Юнусобод туманида 42,3 % ни, Сергели туманида 39,8 % ни ҳамда Яшнобод туманида 39,0 % ни ташкил этди. Кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қайтақуроллантириш бўйича Бектемир туманида 51,8 % ни, Шайхонтохур туманида 43,5 % ни, Мирзо Улуғбек тумани 42,6 % ни ҳамда асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида бошқалар йўналишида Миробод туманида 62,6 % ни ва Сергели туманида 56,8 % ни ташкил қилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган
асосий капиталга инвестициялар**
(январь-июнь)

	Млрд.сўм	Жамига нисбатан улуши, % да	
		2018й.	2019й.
Асосий капиталга инвестициялар - жами	18082,3	100,0	100,0
<i>Шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:</i>			
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	89,1	1,0	0,5
Тоғ - кон саноати	1035,1	0,2	5,7
Ишлаб чиқариш саноати	4158,3	22,6	23,0
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	83,4	0,5	0,5
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	57,7	1,8	0,3
Қурилиш	975,7	3,2	5,4
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	969,5	8,3	5,4
Ташиш ва сақлаш	3900,4	19,4	21,6
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	228,0	1,0	1,3
Ахборот ва алоқа	576,7	3,1	3,2
Молия ва суғурта фаолияти	334,4	3,7	1,8
Профессional, илмий ва техник фаолият	442,2	3,3	2,4
Таълим	270,4	0,9	1,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	399,2	2,4	2,2
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	2766,8	18,4	15,3
Бошқа фаолият турлари	1795,5	10,2	9,9

